

---

## Баёнондан парча:

□Мажбурий ижро бюроси фаолиятида фуқароларимизнинг бевосита иштироки билан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ҳаракатларни амалга оширишда хавфсизлик ва санитария-гигиена талабларига риоя этиш чоралари кўрилади.

□Мажбурий ижро бюроси ходимлари тўлов маданияти ва ижро интизомига риоя этувчи ва асосийси қарздор бўлмаган фуқароларни безовта қилмайди!

□Карантин жараёни фуқароларда фойдаланилган электр ва табиий газ учун тўловларни амалга оширмаса ҳам бўлар экан, деган нотўғри фикрни уйғотмаслиги лозим!

□Истеъмолчиларимиз энди ўз хонадонларидан чиқмаган ҳолда, коммунал хизматлар учун тўловларни электрон тарзда “PayMe”, “Paynet”, “Click”, “UPay” ва бошқа мобиль тўлов тизимлари орқали тўлаб боришлари мумкин.

□Бюронинг расмий “mib.uz” сайти орқали истеъмолчиларимиз энергия ресурслари ва қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича мавжуд қарздорликлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлари ҳамда аниқланган қарздорликларни электрон-онлайн тарзда бартараф этишлари мумкин.

□Бюро органларида фуқароларни қабул қилиш масофадан туриб, онлайн тарзда амалга оширилиши жорий этилди.

□Бюро фаолиятига оид ҳар қандай масала юзасидан туну-кун фаолият кўрсатаётган “Call center” марказининг қисқа “1107” рақамли ишонч телефони қабул қилинмоқда

2020-03-26 13:26:09